

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ГЕМАТОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ИРГАШЕВ ДИЛМУРАД СААТОВИЧ

**ЭРКАКЛАРДА ЖИНСИЙ ДИФФЕРЕНЦИЯЛАНИШ ВА
РЕПРОДУКТИВ ФУНКЦИЯСИ БУЗИЛИШИЛАРИНИНГ КЛИНИК-
ГОРМОНАЛ ВА МОЛЕКУЛЯР-ГЕНЕТИК АСПЕКТЛАРИ**

14.00.16–Нормал ва патологик физиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2023

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of doctor of sciences (DSc)

Иргашев Дилмурад Саатович

Эркакларда жинсий дифференцияланиш ва репродуктив функцияси бузилишиларининг клиник-гормонал ва молекуляр-генетик аспектлари..... 3

Иргашев Дилмурад Саатович

Клинико-гормональные и молекулярно-генетические аспекты нарушений половой дифференцировки и репродуктивной функции у мужчин..... 27

Irgashev Dilmurad Saatovich

Clinical-hormonal and molecular-genetic metabolic aspects of disorders of sexual differentiation and reproductive functions in men..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 55

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ГЕМАТОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ИРГАШЕВ ДИЛМУРАД СААТОВИЧ

**ЭРКАКЛАРДА ЖИНСИЙ ДИФФЕРЕНЦИЯЛАНИШ ВА
РЕПРОДУКТИВ ФУНКЦИЯСИ БУЗИЛИШИЛАРИНИНГ КЛИНИК-
ГОРМОНАЛ ВА МОЛЕКУЛЯР-ГЕНЕТИК АСПЕКТЛАРИ**

14.00.16–Нормал ва патологик физиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2023

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.4.DSc/Tib759 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказидабajarилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасига (www.tma.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Каримов Хамид Якубович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Зокиров Ёркин Узуевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ирискулов Бахтияр Уктямович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Щеголев Александр Иванович
тиббиёт фанлари доктори, профессор (Россия Федерацияси)

Етакчи ташкилот

Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «_____» _____ соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади(Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 2-уй, собиқ Олмазор тиббиёт коллежи, 1-қават. Тел./факс: (99878) 150-78-25, e-mail: info@tma.uz).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси 2 уй, Тошкент тиббиёт академияси, 2-ўқув бинонинг “Б” корпуси, 1-қават, 7-хона.Тел./факс: (99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2023 йил «_____» _____куни тарқатилди.

(2023 йил «_____» _____даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.И.Шайхова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Ш.Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Р.Дж.Усманов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, доцент

Кириш (фан доктори (DSc) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда бепуштлик кенг тарқалган, кўп омилли патологик ҳолат бўлиб, эркакларнинг 7% ушбу патологиядан азият чекишади. Турли муаллифлар маълумотларига кўра «...бепушт эр-хотин структурасида эркак улуши 30 дан 50% гачани ташкил қилади, шулардан 30% - фақат эркак, 20% - қўшма бепуштликка эга жуфтлардир...»¹. Эркак бепуштлиги (ЭБ)нинг энг аҳамиятли этиологик сабаби бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: мояк олди (гипоталамус-гипофиз-мояклар марказ дисфункцияси, гонадотропинларнинг ва лютеинловчи гормоннинг алоҳидаланган етишмаслиги, туғма гипогонадотроп синдром, гиперпролактинемия, гемохроматоз ва б.); моякка оид (Клайнфельтер синдроми, Y-хромосоманинг микроделециялари, андрогенларга сезувчанлик йўқлиги синдромлари, мояклар йўқлиги синдроми, криптархизм, варикоцеле ва б.); мояк орти (уруғ чиқарувчи йўлларнинг ўказувчанлиги бузилиши ёки дисфункцияси). Жинсий гормон ишлаб чиқарилишининг орттирилган етишмаслиги сабаблари бўлиб моякни хирргик йўл билан олиб ташлаш, моякларнинг радиация таъсирида бўлганлиги, бошдан ўтказилган эпидемик паротит ва бошқалар хизмат қилади. Кўпчилик беморларда ЭБ патогенези негизида сперматозоидлар йўқлиги ёки улар миқдорининг камайиши (азооспермия ёки олигоспермия), ёки морфологик аномал бўлган сперматозоидлар улушининг ошиши (тератозооспермия) ётади. Эркаклар фертиллигини текшириш бўйича жаҳоннинг етакчи давлатларининг илмий лойиҳалари тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, фақатгина клиник-гормонал ва молекуляр-генетик тадқиқотларнинг натижаларини ягона миллий дастурга бирлаштириш бепуштлиги бор эркакларнинг табиий фертиллигини самарали тарзда тиклаш имконини яратиш бугунги кунда ҳал қилиниш зарур долзарб муаммолардан биридир.

Жаҳонда эркакларда жинсий дифференцияланиш ва репродуктив фаолиятини бузилишларининг клиник-гормонал ва молекуляр-генетик аспектларитақомиллаштириш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада эркаклардаги турли репродуктив дисфункцияларда ҳар хил хромосомали ўзгаришлар ва Y-хромосоманинг AZF гени микроделециясини, гонадотропин-релизинг гормон рецептори гени (GNRHR) ва унинг турли генотипик вариантларининг эркак бепуштлиги шаклланишидаги ўрни, фолликула кучайтирувчи гормонни бошқарувчи гени (FSHB) ва гонадотроп гормон бошқарувчиси – фолликула кучайтирувчи гормон рецептори гени (FSHR) полиморфизмларининг эркак фертиллиги бузилиши ривожланишидаги ҳиссасини, бепушт эркак беморлар орасида LHB лютеинловчи гормон β-занжири гени Gly102Ser миссенс-мутацияси тақсимланиши ва популяция хусусиятларини баҳолашга қаратилган

¹Butz H, Nyiró G, Kurucz PA, et al. Molecular genetic diagnostics of hypogonadotropic hypogonadism: from panel design towards result interpretation in clinical practice. Hum Genet. 2021;140(1):113-134.

ижтимоий-гигиеник чора-тадбирларни ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар алоҳида илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, турли соматик касалликларни ташхислаш, даволаш ва олдини олиш сифатини оширишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг еттита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар кўйилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, эркакларда жинсий дифференциаланиш ва репродуктив фаолиятини бузилишларининг клиник-гормонал ва молекуляр-генетик аспекти тақомиллаштириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2017 йил 16 мартдаги ПФ–4985 «Шошилич тиббий ёрдамни келгусида тақомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан тақомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 19 апрелдаги ПҚ-4295-сон «2019 - 2021 йилларда республика аҳолисига эндокринология ёрдами кўрсатишни тақомиллаштириш бўйича Миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида», 2022 йил 26 январдаги ПҚ-102-сон «Эндокринология хизматини тақомиллаштириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³. Эркакларда жинсий дифференциаланиш ва репродуктив фаолиятини бузилишларининг клиник-гормонал ва молекуляр-генетик аспекти

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

³Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.washington.edu, www.ku.edu, www.atlantaoralpathology.com, www.unisr.it, www.unipv.it, www.uksh.de, www.keio.ac.jp, www.ico.gencat.cat, www.uoa.gr, www.ufsc.br, www.yonsei.ac.kr, www.sydney.edu.au, www.jazanu.edu.sa, www.rims.edu.in, www.mioi.ru, www.cancercenter.uz, www.toshvilonko.uz сайтлар асосида ишлаб чиқилган.

такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг қатор илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: University of Washington, University of California, Children's National Health System, Mayo Clinic, Lincoln Medical Center, Ohio State University, University of Miami (АҚШ), Midwestern University (Исландия); University of Helsinki (Финландия); Turku University, Eskisehir City Hospital (Туркия); University Medical Center Utrecht (Голландия); Medical University of Bialystok (Польша); Haramaya University (Эфиопия) University of Inje (Жанубий Корея), University of Oxford (Буюк Британия), University of Kebangsaan (Малайзия), University of Yonsey (Жанубий Корея), Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Жаҳонда эркакларда жинсий дифференцияланиш ва репродуктив фаолиятини бузилишларининг клиник-гормонал ва молекуляр-генетик аспектлари такомиллаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқотлар юзасидан қатор илмий-амалий натижалар олинган: жумладан, эркакларда учрайдиган бепуштлиқнинг эрта ташхислаш ва самарали даволаш тартибини амалга ошириш механизми исботланган National health system, Вашингтон (АҚШ); эркакларда жинсий дифференцияланиш ва репродуктив фаолиятини бузилишларининг клиник-гормонал хусусиятларнинг ўрни исботланган исботланган University School of Medicine Krakow (Польша); эркакларнинг репродуктив фаолиятини бузилишларининг молекуляр-генетик аспектлари аҳамияти очиқ берилган исботланган University of King Saud, University of Yong Sey, University of Korea, University of Seoul (Саудия Арабистони) ҳамда эркакларда жинсий дифференцияланиш ва репродуктив фаолиятини бузилишларининг клиник-гормонал ва молекуляр-генетик аспектлари такомиллаштирилган (Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази, Ўзбекистон).

Дунёда эркакларда жинсий дифференцияланиш ва репродуктив фаолиятини бузилишларининг клиник-гормонал ва молекуляр-генетик аспектлари такомиллаштиришни илмий асослаш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан, ксенобиотиклар биотрансформацияси CYP1A1 ва CYP2C19 генларининг генотипик вариантлари тарқалганлигининг хусусиятларини текшириш ва ушбу генларнинг эркак бепуштлиги шаклланишидаги аҳамиятини асослаш; репродуктив дисфункцияга эга эркакларни текшириш баённомасини ишлаб чиқиш ва репродуктив бузилишларни эрта башоратлашга мўлжалланган оқилона ёндашиш алгоритмининг ва ВРТ дастурлари доирасида репродуктив функцияларни тиклашга қаратилган янги ёндашишларни такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тиббиёт амалиётига молекуляр-генетик ва цитогенетик технологиялар услублари жорий қилиниши билан ИМБда патоспермия этиопатогенезини аниқлаштириш

истикболи очилди ва авлодга нормал генларни ўтказилишини таъминлайдиган замонавий ЁРТ услубларини (преимплантацион ташхисоти) ишлаб чиқиш имконияти пайдо бўлди. Лекин, ЁРТ борасида замонавий репродуктологиянинг анча жиддий муваффақиятларига қарамадан, эр-хотин жуфтларининг деярли 5-8% боласизликдан қийналишади, ЭБ эса ҳанузгача жиддий клиник ва тиббий-ижтимоий муаммолигича қолган (Bieth E, Hamdi SM, Miesusset R., 2021). Шунинг учун эркакларнинг гормонал ва метоболик статуси ва репродуктив фаолиятига таъсир қилувчи функционал генетик ва эпигенетик предикторлар аниқлаш бепуштликни олдини олишга қаратилган истикболли йўналишлардан бири ҳисобланади. Ҳозирги вақтда адабиёт манбаларида бошқарувчи генларнинг полиморф локуслари ассоциацияси ҳақидаги маълумотлар бор: жинсий гормонларнинг (GNRHR, FSHB, FSHR, LHB), идиопатик ЭБ ривожланиш хавфига эга ксенобиотиклар биотрансформацияси ферментлари (CYP1A1, CYP2C19, GSTM1, GSTT1 ва б.) (Boehm U, Bouloux PM, Dattani MT, de Roux N, Dodé C, Dunkel L, Dwyer AA, Giacobini P, Hardelin JP, Juul A, Maghnie M, Pitteloud N, Prevot V, Raivio T, Tena-Sempere M, Quinton R, Young J., 2015; Bøllehuus Hansen L, Lorenzen M, Bentin-Ley U, Nielsen JE, Krog H, Berg AH, Håkansson BS, Pedersen AM, Høst T, Juul A, Blomberg Jensen M., 2019; Bracke A, Peeters K, Punjabi U, Hoogewijs D, Dewilde S. A., 2018; Butz H, Nyírő G, Kurucz PA, et al. 2021; Cai Z, Li H., 2022). ЭБ ландшафтида жинсий хромосомаларнинг қатор структур аномалияларининг генетик ва фенотипик натижалари етарлича ўрганилмаган. Таъкидлаш жоизки, ЭБнинг генли структураси жуда ҳам мураккаб, сабаби сперматогенез бошқарилишига 2000 тадан ортиқ генлар қўшилган (Aliakbari F, Pouresmaeili F, Eshghifar N, Zolghadr Z, Azizi F., 2020; Aloyan K.A., Matveyev A.V., Morev V.V., Korneyev I.A., 2013; Amato LGL, Montenegro LR, Lerario AM, et al. New genetic findings in a large cohort of congenital hypogonadotropic hypogonadism. Eur J Endocrinol, 2019).

Ўзбекистонда турли касалликларни сурнкали шаклиги ўтишни патофизиологик ва молекуляр генетик баҳолаш ва беморларни умр кўриш давомийлигини узайтириш борасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган (Каримов Х.Я., 2021; 2022; Ирисқулов Б.У., 2022; Утямьшев Р.Р., 2022; Бобоев К.Т., 2022), бироқ, эркакларда жинсий дифференциаланиш ва репродуктив фаолиятини бузилишларининг клиник-гормонал ва молекуляр-генетик аспекти тақомиллаштирилмаган.

Республикада ҳанузгача ЭБ структурасида гормонал, хромосомали ва генли бузилишларнинг солиштирма оғирлиги ўрганилмаган. Хусусий текшириш баённомалари ва ушбу муаммони даволаш борасидаги шахсга йўналтирилган ёндашишлар яратилмаган. Эркакларнинг репродуктив фаолиятларини бузилишларини ташхислашда молекуляр-генетик, цитогенетик услубларни қўллаш учун кўрсатмаларни ишлаб чиқиш, табиий фертилликни самарали тиклашга имкон берадиган замонавий ВРТ дастурларини ва клиник амалиётга жорий қилишнинг муҳим заруратини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муссасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ўзбек миллатига мансуб эркаклардаги репродуктив дисфункцияда Y-хромосоманинг сублокусларида (AZFa, AZFb ва AZFc) турли функционал микроделецияларнинг учраш тезлиги, гонадалар ривожланишини назорат қилиш ва гаметогенезда иштирок этадиган гормонал бошқарувнинг тизимли генларини учраш тезлиги ва қийматларини баҳолаш» (2018–2022 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади эркаклардаги репродуктив дисфункцияни эрта ташхислаш, эркаклар бепуштлиги ривожланиш хавфини башоратлашнинг янги самарали усулларини ишлаб чиқиш ва ёрдамчи репродуктив технологияларни қўллаш дастурини танлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

эркаклардаги турли репродуктив дисфункцияларда ҳар хил хромосомали ўзгаришлар ва Y-хромосоманинг AZF гени микроделециясини текшириш;

гонадотропин-релизинг гормон рецептори гени (GNRHR) ва унинг турли генотипик вариантларининг эркаклар бепуштлиги шаклланишидаги ўрнини баҳолаш;

фолликула кучайтирувчи гормонни бошқарувчи гени (FSHB) ва гонадотроп гормон бошқарувчиси – фолликула кучайтирувчи гормон рецептори гени (FSHR) полиморфизмларининг эркак фертиллиги бузилиши ривожланишидаги ҳиссасини баҳолаш;

эркак бепуштлиги бор беморлар орасида LHB лютеинловчи гормон β-занжири гени Gly102Ser миссенс-мутацияси тақсимланишини ва популяцион хусусиятларини баҳолаш;

ксенобиотиклар биотрансформацияси CYP1A1 ва CYP2C19 генларининг генотипик вариантлари тарқалганлигининг хусусиятларини текшириш ва ушбу генларнинг эркак бепуштлиги шаклланишидаги аҳамиятини баҳолаш;

репродуктив дисфункцияга эга эркакларни текшириш баённомасини ишлаб чиқиш ва репродуктив бузилишларни эрта башоратлашга мўлжалланган оқилона ёндашиш алгоритмининг ва ВРТ дастурлари доирасида репродуктив функцияларни тиклашга қаратилган янги ёндашишларни яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2019-2022 йиллар давомида Тошкент шаҳридаги «Доктор Д» хусусий шифохонасига мурожаат қилган 140 нафар бирламчи бепуштлиқ ташхиси қўйилган беморлар ҳамда назорат гуруҳини ташкил қилган 155 нафар шартли соғлом пациентлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида эркакларда жинсий дифференцияланиш ва репродуктив фаолиятини бузилишларининг клиник-гормонал ва молекуляр-генетик аспекти баҳолашда беморларнинг қоницито- ва молекуляр-генетик тадқиқотлар негизида ўзбек миллатига мансуб эркаклардаги репродуктив дисфункцияда Y-хромосоманинг

сублокусларида (AZFa, AZFb ва AZFc) турли функционал микроделецияларнинг учраш тезлиги, гонадалар ривожланишини назорат қилиш ва гаметогенезда иштирок этадиган гормонал бошқарувнинг тизимли генлари (GNRHR, FSHB, FSHR ва LHB) эркак фертиллиги бузилиши патогенезида ксенобиотиклар биотрансформацияси CYP1A1 и CYP2C19 генларининг энг функционал полиморф локуслари учраш тезлиги ва қийматларини баҳолаш материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Эркакларда жинсий дифференцияланишва репродуктив фаолиятини бузилишларининг клиник-гормонал ва молекуляр-генетик аспектларини баҳолашда клиник-лабаратор, инструментал, цитогенетик, молекуляр-генетик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

cito- ва молекуляр-генетик тадқиқотлар негизида ўзбек миллатига мансуб эркаклардаги репродуктив дисфункция патогенезида хромосомали ва генли бузилишлар патофизиологик ўзгаришларга боғлиқлиги исботланган;

Y-хромосоманинг сублокусларида (AZFa, AZFb ва AZFc) турли функционал микроделецияларнинг учраш тезлиги ва репродуктив функция бузилиши бор беморларда энг аҳамиятли хромосомали бузилишлар исботланган;

гонадалар ривожланишини назорат қилиш ва гаметогенезда иштирок этадиган гормонал бошқарувнинг тизимли генлари (GNRHR, FSHB, FSHR ва LHB) учраш тезлиги ва мутация спектрлари ва уларнинг эркаклар бепуштлиги патогенезидаги ўзгаришлар мойиллигини ўрни исботланган;

эркак фертиллиги бузилиши патогенезида ксенобиотиклар биотрансформацияси CYP1A1 и CYP2C19 генларининг энг функционал полиморф локуслари учраш тезлиги ва қийматлари, репродуктив тизим фаолиятини бузилиши шаклланишидаги генетик хусусиятлари исботланган;

гормонал бошқариш тизимли генларининг ва ксенобиотиклар биотрансформацияси номақбул генотипик вариантлари полиморфизмларини ташувчи эркакларда репродуктив фаолиятлари бузилишлари ривожланиши ва ифодаланганлик даражаси орасидаги бевосита боғлиқликлар исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

AZF микроделециясини, гормонал статусни бошқарувчи генлар полиморфизмини ва ксенобиотиклар биотрансформацияси генлар ферментларини цитогенетик ва молекуляр-генетик текшириш борасида олинган натижаларни эрта ташхислаш ва клиник кечишини башоратлаш учун ташхисий, башорат маркерлари танланган;

қўлга киритилган натижаларни беморнинг репродуктив потенциалини баҳолаш ва бепуштлиқни енгиб чиқиш борасида мос келадиган тактикани, шу жумладан ЁРТ дастурини танлаш тартиби баҳоланган;

фертилик бузилишлари ва патоспермиянинг тури шакллари мавжуд эркакларни ВРТ дастурида тайёрлаш алгоритми такомиллаштириш ҳамда генетик тестларни амалга оширишга кўрсатмалар ишлаб чиқилган;

репродуктив марказлари (шифокор-репродуктолог, уролог-андролог, акушер-гинеколог, тиббий генетик, эмбриологлар) мутахассисларига мўлжалланган услубий тавсияномага киритилган;

илк бора цито- ва молекуляр-генетик тадқиқотлар негизида ўзбек имплантига мансуб эркаклардаги репродуктив дисфункция патогенезида хромосомали ва генли бузилишлар ўрни баҳоланган;

беморларни текширишнинг янги диагностик алгоритми, ривожланишни башоратлаш мезонлари ва жинсий хужайралар дифференцировкаси ҳамда эркаклар репродуктив фаолияти бузилиш шакллари ва даражалари ҳисобга олинган ҳолда ва замонавий ЁРТ дастурлари қўлланилиши билан табиий фертиллиكنи тиклашга бўлган дифференциал ёндашиш ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник-лаборатор, инструментал, цитогенетик, молекуляр-генетик ва статистик тадқиқот усуллар асосида эркакларда жинсий дифференциацияланиш ва репродуктив фаолиятини бузилишларининг клиник-гормонал ва молекуляр-генетик аспектиларининг ўзига хослиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти клиник-лаборатор ва замонавий молекуляр-биологик технологиялар негизида генлар ва хромосомаларнинг ҳиссаси ҳақидаги янги маълумотлар олинганлиги, улар маҳсулотлари гаметогенезни бошқаришнинг энгмураккаб ички тармоқли ўзаро таъсирларида, эркаклардаги репродуктив дисфункция ривожланиш механизмида бевосита иштирок этиши, эркак бепуштлиги ривожланиши ва клиник шакллари билан ишончли ассоциацияланган хромосомали ўзгаришлар ва генларнинг генотипик вариантлари аниқланганлиги, бу эркаклардаги репродуктив дисфункция этиопатогенезини яхшироқ тўйнишга сабаб бўлиши, бу эса шахсга йўналтирилган тиббиёт томон яна бир қадам ҳисобланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти генетик, гормонал параметрларни қайд қилиш ва патоспермия даражасини баҳолаш орқали амалга оширилган комплекс текширишлар бепуштлик ривожланишини башорат қилиш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Эркакларда жинсий дифференциацияланиш ва репродуктив функцияси бузилишларининг клиник-гормонал ва молекуляр-генетик аспектилари бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида:

эркакларда жинсий дифференциацияланиш ва репродуктив функцияси бузилишларининг клиник-гормонал ва молекуляр-генетик аспектилари бўйича тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган

«Репродуктив фаолиятини бузилишини эрта ташхислаш AZF-локусларини микроделециясини таҳлил қилиш усуллари» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 19 декабрдаги 8н-з/691-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома эркак фертиллиги бузилиши патогенезида ксенобиотиклар биотрансформацияси CYP1A1 ва CYP2C19 генларининг энг функционал полиморф локуслари учраш тезлиги ва қийматлари белгилаш, уларнинг репродуктив тизим фаолияти бузилиши шаклланишидаги ҳиссасини ишлаб чиқиш имконини берган;

эркакларда жинсий дифференцияланиш ва репродуктив функцияси бузилишларининг клиник-гормонал ва молекуляр-генетик аспектлари бўйича тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган «Эркакларда репродуктив фаолиятини бузилишини эрта ташхислаш GNRHR генининг 3-экзонидаги Arg262Gln полиморфизминини аниқлаш хусусиятларини баҳолаш» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 19 декабрдаги 8н-з/691-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома гонадалар ривожланишини назорат қилиш ва гаметогенезда иштирок этадиган гормонал бошқарувнинг тизимли генлари (GNRHR, FSHB, FSHR ва LHB) учраш тезлиги ва мутация спектрлари ва уларнинг эркаклар бепуштлиги патогенезидаги ўзгаришлар мойиллигини ўрнини исботланш имконини берган;

эркакларда жинсий дифференцияланиш ва репродуктив функцияси бузилишларининг клиник-гормонал ва молекуляр-генетик аспектларини такомиллаштиришни асослаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда «Consultative Medical group» МЧЖ ҚҚ хусусий шифохонасининг клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2023 йил 3 февралдаги 08-02495-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга тадбиқ этилиши азооспермиясиз эркак бепуштлиги ривожланиш хавфи ва гипогонадотропли гипогонадизм билан ассоциацияланган GNRHR гени Arg262Gln полиморфизми номақбул аллел варианты орасида етарлича ифодаланган ўзаро боғлиқлик ҳамда аллел вариант ташувчанликда эркакларда репродуктив дисфункция ривожланиш хавфи ишонарли тарзда 5 марта ортиши, аксинча, функционал яхши аллел вариант эркак бепуштлиги борасида ҳимоя самараси билан ассоциация қилиши баҳолаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 180 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган тадқиқотнинг долзарбилиги ва талаб этилганлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқотнинг Республикасиз фан ва технологиялари устувор йўналишларига мослиги акс эттирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамиятлари, иш натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги, чоп этилган ишлар ҳақидаги маълумотлар ва диссертация структураси ёритилган.

Диссертациянинг **«Эркакларда жинсий дифференциаланиш ва репродуктив функцияси бузилишларининг клиник-гормонал ва молекуляр-генетик аспекти»** номланган биринчи бобида эркак бепуштлиги ҳақидаги умумий маълумотлар, эркак бепуштлиги тарқалганлиги ва сабаблари умумий тавсифи, генетик маркерлар, атроф муҳит токсинларининг эркаклардаги сперматогенезга таъсири келтирилган. Эркаклардаги бепуштлик ривожланишида ксенобиотиклар биотрансформацияси ўрни акс эттирилган.

Диссертациянинг **«Эркакларда жинсий дифференциаланиш ва репродуктив функцияси бузилишларининг клиник-гормонал ва молекуляр-генетик аспекти»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектлари ва услублари ёритилган. Тадқиқотнинг дизайни ва услублари: цитогенетик, молекуляр-генетик, статистик ҳақида батафсил маълумотлар берилган.

Жами 140 нафар беморлар–бепуштлик ташхиси қўйилган эркаклар комплекс текширувдан ўтказилди, шулардан 2 та кичик: азооспермияли ($n=35$) ва азооспермиясиз ($n=105$) гуруҳлар шакллантирилди ва текширилди. Текширилганларнинг барчасида ЖССТ тавсияномаларига (2010) мос ҳолда эякулятни икки марта таҳлили амалга оширилди.

Назорат гуруҳига ўзбек миллатига мансуб, эякулятнинг нормал кўрсаткичлари ва исботланган фертилик бўлган 155 нафар эркаклар киритилди.

Натижаларни статистик қайта ишлаш Version 2.9», «OpenEpi 2009 статистик дастурлар пакети қўлланилган ҳолда амалга оширилди. Статистик аҳамиятли мезон сифатида χ^2 , $p < 0,05$ ва 95% CI (ИИ 95%) ишонарлилик интервали хизмат қилди.

Диссертациянинг **«Репродуктив тизим бузилишларига эга эркакларда микроделецияларни цитологик таҳлил қилиш, молекуляр-генетик тадқиқотлар, ген-номзодлар полиморфизмларининг популяцион хусусиятлари ва тақсимланишини текшириш натижалари»** деб номланган учинчи бобида эркак бепушт беморларда AZF микроделецияларни таҳлил қилинган. Эркакларда репродуктив фаолият бузилишида

кариотипнинг хромосома аномалияларидан (Клайнфельтер синдроми, XX-male, хромосомаларнинг мувозанатланган ва мувозанатланмаган қайта қурилишлари, гоносомли мозаицизм ва ш.к.) ташқари Y-хромосоманинг специфик қисми—AZF-локусидаги генетик мутацияларга муҳим ўрни баҳоланади. AZF генетик локуси Y-хромосоманинг узун елкасида (Yq11.22-23) жойлашади ва сперматозоидлар шаклланиш (сперматогенез) жараёнига жавобгар специфик генларнинг кўп миқдорини сақлайди. Y-хромосоманинг AZF локуси учта субрегионлар: AZFa, AZFb ва AZFc га ажраган ва сперматозоидлар ривожланиши, етилиши ва шаклланишини бошқаришда бевосита иштирок этадиган генларни ўз ичига олади.

AZF локус бўйича генотипирлаш (AZFa, AZFb ва AZFc) RotorGeneQ асбобида НПО Литех (Россия) коммерция тўплами билан ҳақиқий вақтда полимеразали занжирли реакция услуги билан амалга оширилди.

1-жадвал

Эркаклар бепуштлиги ва назорат гуруҳларида AZF микроделециялар учраш тезлигининг қиёсий таҳлили

Делеция	Бепушт беморлар, n=140		Фертил эркаклар, n=155		χ^2	p
	N	%	n	%		
AZFa	1	2.9	0	0.0	1.1	0.3
AZFb	2	5.7	0	0.0	2.2	0.1
AZFc	4	11.4	0	0.0	4.5	0.03
AZFb+a	0	0.0	0	0.0	-	-
AZFb+c	1	2.9	0	0.0	1.1	0.3
Жами	8	5.7	0	0.0	9.1	0.002

1-жадвалдан кўриниб турганидек, текширилган бепушт 140 нафар беморлар орасида ва назорат гуруҳида AZF локуси делецияси 8 (5,7%) беморларда топилди. Фертил эркаклар гуруҳида (назорат гуруҳи) Y-делеция ҳеч бир ҳолатда бўлмади. AZF локуси делецияси учраш тезлиги бўйича гуруҳлар орасидаги фарқ статистик ишонарли ҳолатга етиб келди ($\chi^2=9.1$; $p=0.002$). Беморларнинг асосий гуруҳидаги делециянинг энг баланд учраш тезлиги AZFc ва AZFb сублокуслар учун учради: мос равишда 11,4% ва 5,7%. AZFc локуси делецияси учраш тезлиги бўйича танловлар орасидаги статистик тафовут ҳам статистик ишонарли бўлди ($\chi^2=4,5$; $p=0,03$). Бунда AZFb сублокус делецияси учраш тезлиги бўйича ушбу гуруҳлар орасидаги фарқ статистик ишонарли бўлмади, фақат кучсиз тенденция аниқланди ($\chi^2=2,2$; $p=0,1$). Азооспермияли эркаклар кичик гуруҳида Y-хромосома делециялари 8 (22,9% ҳолат), азооспермиясиз кичик гуруҳда фақат 1 нафар беморда (0,95% ҳолат) аниқланди. AZF локуси бўйича делеция учраш тезлиги бўйича ушбу кичик гуруҳлар ўртасидаги статистик фарқлар

статистик ишонарли бўлди ($\chi^2=22,9$; $p<0,05$). Азооспермиясиз беморлар орасида фақат битта беморда AZFc субрегионда микроделеция аниқланди.

Азооспермияли беморлар кичик гуруҳида Y-хромосома делецияси кўпинча AZFc сублокусида учради ($\chi^2=8,4$; $p=0,004$ бўлганда 0.95% га қарши 11.4%). Учраш тезлиги бўйича AZFb (5.7%; $\chi^2=6,1$; $p=0,01$) ва AZFa ($\chi^2=3,0$; $p=0,08$ бўлганда 2.9%) ва AZFb+c ($\chi^2=3,0$; $p=0,08$ бўлганда Y-хромосома микроделецияси аниқланган барча ҳолатлардан 2.9%) субрегионларини ўз ичига олган делециялар кейинги ўринда бўлди.

2-жадвалда азооспермияли ва азооспермиясиз беморлар кичик гуруҳларидаги хромосомали бузилишларни текшириш маълумотлари келтирилган.

2-жадвал


Азооспермияли ва азооспермиясиз беморларнинг кичик гуруҳларидаги хромосомали бузилишлар таҳлили

Хромосомали бузилишлар	Азооспермияли, n=35		Азооспермиясиз, n=105		χ^2	p
	n	%	n	%		
Клайнфельтер синдроми (47,XXY)	4	11.4	1	0.95	8.4	0.004
Деля Шапел синдроми (XX-male синдроми)	2	5.7	0	0.0	6.1	0.01
Турли цитогенетик вариантлар	7	20.0	4	3.8	9.5	0.002
Жами	13	37.1	5	4.8	24.6	<0.05

Текширилган бепушт эркакларнинг азооспермияли 13 нафарида ва азооспермиясиз 5 нафар беморларда кариотиплардаги ҳар хил ўзгаришлар аниқланди (мос равишда 37,1% ва 4,8%; $\chi^2=24,6$; $p<0,05$). ЭБ мавжуд беморлар орасида энг кўп кузатилган цитогенетик ўзгариш 47, XXY кариотипга эга Клайнфельтер синдроми бўлди, у кичик гуруҳда азооспермияли 4 (11,4%) ва азооспермиясиз 1 нафар беморларда (0,95%) аниқланди. Клайнфельтер синдроми учраш тезлиги бўйича танловлар орасидаги фарқ статистик ишонарли бўлиб чиқди ($\chi^2=8,4$; $p=0,002$). Де ля Шапел синдроми (XX-male синдроми) азооспермияли беморларнинг фақат икки нафарида учради ($\chi^2=8,4$; $p=0,002$) ва ушбу синдром учраш тезлиги бўйича бу кичик гуруҳлар орасидаги фарқ статистик ишонарли қийматларга етиб борди ($\chi^2=6,1$; $p=0,01$). Азооспермияли 7 нафар беморда ва азооспермиясиз 4 нафар беморда кариотип аномалияларининг турли вариантлари аниқланди (мос равишда 3,8% га қарши 20,0%). Кариотипнинг йиғинди ўзгаришлари учраш тезлиги бўйича бу кичик гуруҳлар орасидаги фарқ ҳам статистик ишонарли бўлди ($\chi^2=9,5$; $p=0,002$).


Шундай қилиб, бизлар томонидан олинган натижалар эркеклардаги бепуштлиқ ва репродуктив тизимлар бузилишлари патогенезида генетик омилларнинг аҳамиятли ўрни ҳақида далолат беради.

1-ва-2-расмларда эркек бепуштлиги мавжуд умумий гуруҳда ва шартли-соғлом эркеклар танловларида Харди-Вайнбер мувозанати (ХВМ) бўйича GNRHR гени 785G>A полиморфизми аллел ва генотипларининг тақсимланиши назарий ва эмпирик учраш тезлигини ҳисоблаш натижалари акс эттирилган. GNRHR гени 785G>A мутацияли вариантнинг учраш тезлиги ҳам фертиллиқ бузилишлари бор беморлар ва назорат гуруҳида кутилгандек паст бўлиб чиқди.



1-расм. Беморлар ва назорат гуруҳларида GNRHR гени Arg262Gln полиморфизм аллеларининг учраш тезлиги

Иккала гуруҳда ҳам GNRHR гени 785G>A генотиплари мутацияларининг ҳақиқий-кузатиладиган тақсимланиши назарий-кутилаётган тақсимланишга мос келди ($\chi^2=0,1$; $p=0,7$). Бегона 785G ва мутацияли 785A аллеларининг учраш тезлиги, мос равишда, беморлар гуруҳида 0,98/0,02 ни, назорат гуруҳида 0,99/0,01 ни ташкил қилди. Юқорида айтиб ўтганимиздек, GNRHR ген мутацияси 140 нафар беморлардан 7 тасида аниқланган (5,0%), назорат танловида эса 155 нафар соғлом эркекларнинг 2 тасида (1,3%) ва уларнинг барчаси гетерозиготали вариантда намоён бўлган.



2-расм. Беморлар ва назорат гуруҳларида GNRHR гени Arg262Gln полиморфизми генотипларининг учраш тезлиги

Эркак бепуштлиги бор беморлар орасида эякулятда сперматозоидлар мавжудлигини ва йўқлигини (азооспермия) ҳисобга олган ҳолда GNRHR гени Arg262Gln мутацияларини таҳлил қилиш кўрсатдики, барча аниқланган мутациялар азооспермиясиз беморларда қайд қилинди. Шу билан ушбу геннинг аллелли ва генотипик вариантлари учраш тезлигидаги фарқлар беморларнинг ушбу гуруҳи ва назорат гуруҳи орасида статистик юқори ишончли бўлиб чиқди.

Азооспермиясиз беморлар кичик гуруҳида GNRHR гени аллелари тақсимланиши қиёсий таҳлил қилинганда шартли соғлом эркакларга қараганда 785A мутант аллелнинг учраш тезлиги ошиши қайд қилинди (мос равишда 0,6% га қарши 3,3%). Имкониятлар нисбати коэффицентига мос ҳолда, ушбу аллель вариантни ташувчи эркакларда эркак бепуштлиги ривожланиши хавфи 5 мартадан кўпроқ ($\chi^2=5.4$; $p=0.02$; $OR=5.5$; 95% CI: 1,28 - 21,92).

Бизлар томонидан ФСГ етишмаслиги ва мос ҳолда, эркаклар фертил тизими бузилишлари билан ассоциацияланган FSHB гени 2bp del, rs5030646 генетик мутациялари (делециялари)ни излаш амалга оширилди.

Ушбу мутация натижасида GAGда кейинчалик вақтидан илари стоп-кодон юзага келиши ва олигоазооспермия ривожланиши билан GTG (val)нинг 61 дан бошлаб 86 гача бўлган аминокислоталар кетма-кетлиги ўзгаради.

ЭБ мавжуд бўлган текширилган 140 нафар ва назорат гуруҳидаги 155 нафар соғлом шахслар орасида мутацияли вариант фақат гетрозиготали ҳолатда беморларнинг азооспермияли кичик гуруҳидаги (2,9%) 1 нафар эркакда (0,7%) учради. Бунда таъкидлаш жоизки, беморда AZF генида sY1192 типидagi делеция (AZFc), носпецифик хромосомали ўзгаришлар:

уруғ чиқарув йўлининг обструкцияси ва кучсиз ифодаланган гипогонадизм аниқланди. Бу ҳолатда бепуштлиқ ушбу генетик ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиши истисно қилинмайди. Текширилган гуруҳда ва кичик гуруҳларда FSHB гени 2631TGdel, Val61del2bp/87Ter гомозиготали генотиплари аниқланмади.

Шундай қилиб, бизлар томонидан аниқланган FSHB гени p.Val79GlufsTer27 гетерозиготали вариантнинг азооспермия ривожланишига негатив таъсири, 2bp del аллель варианты билан ЭБ ривожланиши орасидаги ассоциатив боғланиш мавжудлигини тасдиқловчи концепция билан мос келади. Ушбу делеция борлигини текшириш, уни аниқлашнинг паст тезлигига қарамасдан, репродуктологиянинг клиник амалиётида, жумладан, азооспермиянинг эрта аниқ диагностикасида, шунингдек даволаш стратегиясини оптималлаштиришда ва ЁРТ дастурини танлашда қўлланилиши мумкин.

FSHR гени A2039G полиморфизмининг эркак бепуштлиги билан ассоциацияси таҳлилида иккита танлов (бемор ва шартли-соғлом шахслар) ёрдамида «case-control» модели бўйича олиб борилди. «Case» танлови бепуштлиқ ташхиси бўлган (азооспермияли ва азооспермиясиз) 140 нафар эркаклардан шакллантирилди. «Control» танлови ўз ичига, ўзбек миллатига мансуб шахсларни, репродуктив аъзоларнинг дисфункциялари ва бошқа касалликлари бўлмаган 155 нафар шартли-соғлом эркакларни олди.

Текширилган танлов беморларда ва назоратда FSHR гени A2039G полиморфизм генотиплари ҳаққий тақсимланиши ХВМ бўйича назарий кутилган маълумотларга мос келади ($p > 0.05$).

Асосий гуруҳ беморларида ва назорат танловида FSHR генидаги A2039G полиморфизмининг A/A, A/G ва G/G генотипик вариантлари тақсимланиш тезлиги, мос равишда, 40.0%, 44.5% ва 15.5% га қарши 27.1% ва 51.4% и 21.4% ни ташкил қилди.

Азооспермияли беморлар ва назорат гуруҳларида FSHR генида A2039G полиморфизми аллеллари тақсимланишининг учраш тезлигини текшириш натижасида аниқландики, A аллель, беморлар гуруҳига солиштирганда назорат гуруҳида 50.0% га қарши 62.3% тезлиги ($\chi^2=3.6$; $p=0.06$; OR=0.6; 95% CI:0.35-1.02) билан устун келди. Бу маълумотлар азооспермия шароитида бепуштлиқ шаклланишига нисбатан ушбу аллель вариантнинг протектив, яъни ҳимоя самараси ҳақида далолат беради.

Азооспермияли ва назорат гуруҳларида FSHR генида A2039G полиморфизмининг A/A, A/G ва G/G генотиплари тақсимланиши учраш тезлиги, мос равишда, 40.0%, 44.5% и 15.5% га қарши 25.7%, 48.6% ва 25.7% ни ташкил қилди.

Шундай қилиб, бизлар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижасида FSHR гени A2039G полиморфизми маълум бир генотипларининг эркакларда фертилик пасайиши ва бепуштлиқ ривожланиши билан аҳамиятли ассоциацияси қайд қилинди. ФСГ рецепторларининг паст фаоллиги билан ассоциация қиладиган функционал заифлашган G аллель вариантлари азооспермия билан ассоциацияланган паст фертиликка эга

эркаклар учун хос. Номакбул G/G генотиби мавжуд бўлганида азооспермия ривожланиш хавфи ишонарли тарзда 1,6 мартадан кўпроққа ошади ($p < 0.05$).

LNB гени Gly102Ser полиморф локусларини ЭБ ривожланиши билан ассоциацияси таҳлили «case-control» модели қўлланилган ҳолда фақат азооспермиясиз беморлар кичик гуруҳида ва назорат гуруҳида амалга оширилди.

Ўзбекистондаги диагностик самарани аниқлаш мақсадида бизлар азооспермиясиз беморлар кичик гуруҳида ($n=105$) ва назорат танловдаги индивидларда ($n=155$) LNB гени Gly102Ser миссенс-мутацияларининг аллель ва генотипик вариантлари учраш тезлигининг тақсимланиши қиёсий таҳлилини бажардик. Таҳлил натижасида солиштирилаётган беморлар гуруҳлари ва шартли-соғлом донорлар гуруҳи орасида статистик ишонарли фарққа нисбатан мойиллик аниқланди ($\chi^2=3.0$ ва $p=0.08$).

Кутганимиздек, иккла гуруҳда ҳам учраш тезлиги бўйича G1502 аллели устун келди, у беморлар орасида 99.0% ҳолатда ва назорат гуруҳида 100.0% ҳолатда кузатилди. Лютеинловчи гормон экспрессияси пасайиши билан ассоциация қиладиган 1502A номакбул аллели беморлар гуруҳида 1.0% ҳолатда учради ($\chi^2=3.0$; $p=0.08$). LNB генининг Gly102Ser мутацияли гетерозиготали генотиби беморлар гуруҳида 1.9% ҳолатда ($\chi^2=3.0$; $p=0.08$) учради. Назорат гуруҳида бундай вариант аниқланмади. LNB генининг Gly102Ser мутация вариантлари аниқлашнинг ҳисоблаб чиқилган имкониятлар фарқлари, шартли-соғлом эркаклар билан солиштирганда, азооспермиясиз беморлар орасида деярли аҳамиятли бўлди ($\chi^2=3.0$; $p=0.08$). Бу шуни англатадики, генотипида ушбу мутацион генотип бор бўлган эркакларда ЭБ ривожланиш хавфи статистик аҳамиятли тарзда ортади.

Шундай қилиб, LNB гени Gly102Ser маркери бўйича олинган молекуляр-генетик маълумотлар репрезентатив ҳисобланади.


Бизлар томонидан олинган маълумотлар, турли популяциялар ва ирқий давлатлар учун LNB гени Gly102Ser мутацияли вариантлари учраш тезлиги бўйича халқаро маълумотлар базасини (Allele Frequency Database) тўлдирди. Ушбу маркерни Республикамиз клиник амалиётига жорий қилиш ЭБнинг марказий генездаги бепуштлик сабабини аниқлаштиришга имкон беради ва келажакда нафақат диагностик ва даволаш самарадорлигини, балки ВРТ дастурларининг оқибатларини анча аниқ ҳолда башоратлаш имконини яратади.

Диссертациянинг «Бепушт эркакларда ксенобиотиклар детоксикацияси генларининг полиморфизм аллеллари хусусиятлари» деб номланган тўртинчи бобда эркак фертиллиги бузилишлари ривожланиши билан CYP1A1 гени Pe462Val ва C6310T полиморфизмлари, CYP2C19 гени G681A ва G636A полиморфизмлари тарқалганлигини текшириш бўйича амалга оширилган тадқиқотлар натижалари акс эттирилган.

Текширилган гуруҳларда ХВМ бўйича CYP1A1 гени Pe462Val полиморфизми бўйича генотипларнинг кузатиладиган ва кутилаётган учраш тезлиги мос келиши ҳисобга олинган ҳолда, бизлар томонидан ҳам назорат

гуруҳи шахслари, ҳам бепушт эркаклар орасида ушбу генетик полиморфизмнинг аллели ва генотипик вариантлари учраш тезлигининг ўзига хос хусусиятлари таҳлили амалга оширилди.

Таққосланаётган соғлом назорат гуруҳида (n=155) А ва G аллеларини ташувчилар учраш тезлиги мос равишда 86.8% ва 13.2% ни ташкил қилди. Шу билан бир вақтда, бегона А/А генотиби учраш тезлиги улуши 74.8% (116/155) ҳолатда аниқланди, бунда ушбу локуснинг гетерозиготали А/G ва мутант гомозиготали G/G генотиплари мос равишда 23.9% (37/140) ва 1.3% (2/140) ҳолатларда кузатилди (3- ва4-расмларга қаранг).




3-расм. Бепушт эркак беморлар гуруҳида ва назорат гуруҳида CYP1A1 гени Cc462Val локуси полиморфизми аллеллари тақсимланиши.

Текширилган асосий гуруҳдаги беморларда (n=140) аллеллар ва генотипларнинг учраш тезлигини ўрганиш давомида бизлар томондан бироз бошқача тақсимланиш аниқланди. Масалан, бу гуруҳда А ва G аллеллар 77.9% ва 22.1% ҳолатларда, А/А, А/G ва G/G генотиплар эса текширилганларнинг 60.0% (84/140), 35.7% (50/140) ва 4.3% (6/140) да аниқланди.

Кейин бизлар учун азооспермияли (n=35) ва азооспермиясиз (n=105) эркаклар кичик гуруҳида CYP1A1 гени Cc462Val полиморфизми бўйича аллеллар ва генотиплар учраш улушини ўрганиш қизиқиш уйғотди.

